



QAROR

2007 йил "16" ноябр

№ 839-ч

Сазагон ММТП худудидан «Авто Кенпинг»
курулиши учун ер майдони ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 14 декабрдаги 1-540 сонли йигилиш баёни қарорининг 3-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида ва фуқаро Авазов Мансурнинг аҳолига маиший хизмат курсатиш мақсадида «Авто Кенпинг» қуриш учун ер участкаси ажратишга рухсат бериш тугрисидаги аризасини ҳамд туман ер танлаш комиссиясининг 2007 йил 30 октябрдаги далолатномасини урганиб чиқиб

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Сазагон» ММТП худуди «Оксой» кишлоғидан утувчи Самарқанд-Қарши автомагистрал йули ёқасидаги кишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган яйлов ер майдонидан фуқаро Авазов Мансурга «Авто Кенпинг» қуриш учун №247-контурдан 0,90 гектар ер майдони ажратилсин ва туман ер танлаш комиссиясининг 2007 йил 30 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Ушбу ажратилган ер майдонида бошқа объектларни қуриш тақиқланиши таъқиқлаб қуйилсин.
3. Ажратилган ер майдонини жойида улчаб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Н.Қуйлиев зиммасига юклатилсин.
4. Мазкур ажратилган ер майдонида 2 (икки) йил муддат ичида қурилиш ишлари бошланмаса, қарор уз кучини йукотган деб ҳисоблансин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзовга топширилсин.

Туман ҳокими:  Ж.Х.Ибрагимов.